

Қабримда ёлғиз ташлаб қўйма!



08:00 / 17.06.2020 2537

Усмон бин Савда Тафовийдан ривоят қилинишича, у кишининг онаси Роҳиба исмли обида аёллардан бўлган экан. Онаси ўлимидан олдин бошини осмонга кўтариб, «Эй менинг хазинам, эй ҳаётимда ҳам, ўлимимдан сўнг ҳам суянадиган суянчиғим! Ўлим вақтида мени ёрдамсиз ташлаб қўйма! Қабримда ёлғиз ташлаб қўйма!» деб, жон таслим қилган экан. Бир куни Усмон тушида онасини кўриб, «Аҳволингиз қалай, онажон?» деб сўрабди. Онаси: «Ўғлим, ўлимнинг қаттиқ дилсиёҳлиги бор экан. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, мен мақталган барзаҳдаман, у ерда Қиёмат кунига қадар райҳонлар устида, жаннат ёстиқларига суянган ҳолда бўламан», деб жавоб берибди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан